



ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУҲИМ ВАЗИФА: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Улуғбек Эркинович Расулев

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Малака ошириш институти бошлиғининг биринчи
ўринбосари полковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10696041>

ARTICLE INFO

Received: 16th February 2024
Accepted: 22th February 2024
Online: 23th February 2024

KEYWORDS

Жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, ички ишлар органлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, миллий тажриба, хорижий тажриба.

ABSTRACT

Мақолада жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, миллий ва хорижий тажриба хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил қилишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ва уларга қарши курашиш ички ишлар органлари фаолиятининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланиб, мавжуд куч ва воситаларни жамоат жойларига тўғри йўналтириш, уларни тегишли тартибда бошқариш ҳамда мазкур жараёнларда кенг жамоатчилик билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш, шунингдек, соҳага илғор тажриба ва иш усулларини жорий этиш, бу орқали фуқароларнинг ишончини қозониш ушбу соҳадаги устувор масалалардан бири ҳисобланади [1].

Шу ўринда “жамоат тартибини сақлаш” ва “жамоат хавфсизлигини таъминлаш” тушунчаларига қисқача таъриф бериш ўринлидир.

Жамоат тартиби – бу фуқароларнинг шахсий, жамоат хавфсизлиги, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат ташкилотларининг мутаносиб фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратиш, уларнинг шаъни, қадр-қиммати ҳамда умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий, ижтимоий меъёрлар асосида жамоат жойларида юзага келадиган, ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими.

Жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офат, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авария ва ёнғинлардан ҳимояланганлиги ҳолати ҳисобланади. Жамоат тартибини сақлаш, ўз навбатида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини самарали таъминлашнинг кафолати бўлади[2].



2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш» каби вазифалар назарда тутилган эди. Бу эса, республикамизда ички ишлар органлари фаолиятига илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш, улар фаолиятини ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомил-лаштириш, жамоатчилик тузилмалари иштирокининг самарадорлигини ошириш асосида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади [3].

Мамлакатимизда бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон Фармонлари, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сон, «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сон, «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон, «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадор-лигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, айтиш мумкинки, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий ва ташкилий-инсти-туционал механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари, жумладан, Халқаро криминологлар ассоциацияси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Европа Полиция академияси, Европа Иттифоқи ҳуқуқни муҳофаза қилиш таълим агентлиги, Жорж С. Маршалл хавфсизлик тадқиқотлари Европа маркази, Германия полиция университети (Германия), Полиция ходимлари Миллий ўрта мактаби (Франция), Полиция фанлари миллий тадқиқот институти (Япония), Ички ишлар вазирлиги



Бошқарув академияси (Москва) ва Санкт-Петербург университетлари (Россия) ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институтида ҳамда ИИБ Академияси ва Жамоат хавфсизлиги университетларида олиб борилмоқда.

Шу билан бирга жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича бугунги кунга қадар жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижаларга эришилган: полициянинг куч ва воситаларини аҳолига яқинлаштириш, бевосита жамоат жойларида қуйи таркибий тузилмаларнинг фаолиятини йўлга қўйиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарадорлигини оширишга (George C. Marshall European center) ҳамда улар фаолиятининг ташкилий-институционал ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш концепциясини яратиш зарурати асослантилган (Россия Федерацияси ИИБ Бошқарув академияси).

Республикамизда ички ишлар органлари томонидан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид масалалар ҳуқуқшунос С.Т.Ахмедова томонидан «Оммавий тадбирларни ўтказиш вақтида жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш масалалари» тарзда ўрганилганлигини қайд этишимиз мумкин[4].

Америка Қўшма Штатлари, Канада, Буюк Британия, Германия, Франция, Австралия, Япония, Туркия, Россия Федерацияси каби давлат-ларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан шуғулланувчи тизимларининг илғор тажрибасида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимлари, соҳада жамоатчиликнинг иштироки ҳамда мазкур фаолиятни таъминлашнинг шакл ва усуллари ажратилган ҳолда ўрганилган ҳамда қиёсий таҳлил қилинган.

Шу ўринда Туркия давлатидаги жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимига назар ташласак. Ҳозирда Туркия полицияси республика Ички ишлар вазирлиги тизимига киради ва унинг таркибида Хавфсизлик бош директорати мавжуд бўлиб, Туркия полициясининг вазифаларига қуйидагилар киради: жамоат тартибини сақлаш; фуқаролар ва уларнинг мол-мулкни хавфсизлигини таъминлаш; ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳамда қонун, низом ва ҳукумат норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни бажариш. Шу билан бирга, полиция давлат бирлигини сақлаб қолиш ва конституциявий тартиботни таъминлаш каби сиёсий вазифаларни ҳам амалга оширади. Бундан ташқари, полиция маъмурий функцияларни, яъни хавфсизлик чоралари ва бошқа органларга ёрдам беришни ҳам амалга оширади.

Туркияда ички хавфсизлик ва жамоат тартибини ҳимоя қилиш полициянинг уч тармоғи томонидан амалга оширилади. Шаҳар ҳудудлари учун масъул бўлган Туркия миллий полициясининг Бош Директорати, қишлоқ жойлар учун масъул Жандармерия бош қўмондонлиги ҳамда мамлакат қирғоқларини ҳимоя қилувчи Соҳил хавфсизлик қўмондонлиги.

Туркия Жандармерияси – хавфсизлик, ҳуқуқ-тартиботни сақлайдиган ҳарбийлаштирилган қуролли ташкилот. У «Жандармерияни ташкил этилиши, унинг вазифалари ва ваколатлари тўғрисида»ги қонун асосида ташкил этилган бўлиб, ушбу



қонун асосида фаолият юритади ҳамда хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш учун жавобгар ҳисобланади. Шу билан бирга, қонунларда белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Жандармерия Бош қўмондонлиги Ички ишлар вазирлигига бўйсунди. Жандармериянинг жавобгарлик ҳудуди, полиция фаолият олиб борадиган ҳудудлардан ташқари ҳисобланади.

Соҳил хавфсизлиги 1982 йилдаги «Соҳилни қўриқлаш ҳақида»ги қонунга асосан ташкил этилган. Соҳил қўриқчилари ўз вазифаларини Туркиянинг ҳудудий ва ички сувлари, эксклюзив иқтисодий зонаси ва қитъа сувости ҳудудларида бажарадилар.

Туркия Соҳил қўриқлаш қўмитаси ҳудудий сув хавфсизлигини муҳофаза қилиш, денгизда ҳаёт ва мулк хавфсизлигини таъминлаш, контрабанда фаолиятининг олдини олиш, қидирув-қутқарув операцияларини амалга ошириш, сув ҳавзаларининг ифлосланишини олдини олиш каби вазифаларни амалга оширади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Туркия давлатининг полиция тизимида ижобий жиҳатлар, шу жумладан жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, соҳавий хизматлар ишини ташкил этиш каби йўналишлардаги тажрибаларни муҳокама қилиш фойдадан холи бўлмайди.[5]

Шу ўринда Германияда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашда йўлга қўйилган эътиборга молик жиҳатларга тўхталсак. Хусусан, Германияда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноят-чиликка қарши курашишда фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги диққатга сазовордир. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақида дарҳол давлат органларига телефон орқали оғзаки, электрон кўринишда хабар беради. Хабар асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун «Neighborhood watch» (Кўшнининг кузатуви), «Crimestoppers («Жиноятни тўхтатувчилар), «Crimeprevention throughen vironment design (broken window)» (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)», «Safety City» (Хавфсиз шаҳар) каби дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали татбиқ этиб келинмоқда[6].

Республикамизда шунга ўхшаш дастурлардан «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, унинг имкониятларидан Тошкент шаҳрида кенг фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам келажакда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашдир. Бир сўз билан айтганда, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишлари барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда кенг жамоатчиликнинг узлуксиз ҳамкорлиги асосида амалга оширилади.



Ҳозирги кунда Республикамизда янги ташкил этилган Миллий гвардиянинг ҳам асосий вазифаларидан бири – жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Ушбу вазифани бажариш доирасида эса, ички ишлар, Миллий гвардия, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан биргаликда комплекс тадбирлар ташкил этилиб, амалга оширилмоқда.

2018 йил 10 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев маъруза қилиб, «Бутун дунёда мамлакат ичида тартиб-интизом ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан армия эмас, Мудофаа вазирлиги эмас, балки алоҳида тузилмалар шуғулланади. Маълумки, бугунги кунда биз «Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат» концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни Миллий гвардия ташкил этилди.

Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жавобгар этиб белгиланади. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бундан буён мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш масаласига ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия жавобгар бўлади» – деб таъкидлаган эди [7].

Шу билан бирга, 2019 йил 10 январь куни Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 7-сонли ички ишлар бўлимига ташриф буюрган Президентимиз Шавкат Мирзиёев жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистонда тинчлик осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилгани, кейинги икки йилда соҳага доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани эътироф этди.

Ички ишлар органлари барча бўғинларининг тузилмаси ва ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, ходимларнинг 65 фоизи аҳолига яқин бўлиши учун маҳаллаларда ишлайдиган бўлганлиги, асосий эътибор жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилиб, бунинг учун профилактика инспекторлари сони кўшимча 1 минг нафарга кўпайтирилгани, уларнинг бевосита жойларда самарали хизмат ўташи учун муносиб ижтимоий-маиший шароит яратиб берилганлигига тўхталди.

«Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хонадон» тизимлари жорий этилгани, 24 соат патруллик хизмати йўлга қўйилгани натижасида одамларда «адолат ва қонун устуворлиги»га ишонч пайдо бўлганлигини келтириб, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарурлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура — ҳаммаси халққа хизмат қилиши кераклиги, шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозимлигини



баён этиб: Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин[8], – деб таъкидлади.

Мазкур ташриф давомида Президентимиз томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига замонавий вертолётлар ажратиш бўйича топшириқлар берди.

«Хавфсиз шаҳар» Концепцияси доирасида Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят марказлари, шунингдек Республиканинг йирик шаҳарларида сутка давомида узлуксиз уч сменали патруллик ташкил этилган. Ички ишлар органлари ходимлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва жамоатчилик вакилларида иборат бўлган биргаликдаги патрул нарядлари жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида хизматни олиб бормоқдалар.

Биргаликдаги патрул нарядлари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш функцияларини амалга оширишдан ташқари зарурат туғилганида аҳолига зарур ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари бўлинмалари ва Миллий гвардия томонидан Тошкент шаҳри ҳудудида 669 та биргаликдаги патрул маршрутлари (130 та пиеда, 519 та автомобил, 10 тадан отлиқ ва мотоскутерли) ташкил этилган. Ушбу маршрутларга 1144 нафар ички ишлар органлари ходимлари, 723 нафар Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва 148 нафар «Фидокор ёшлар» жамоатчилик гуруҳи вакиллари жалб қилинган.

Патруллик қилишдан ташқари, Миллий гвардия кучлари Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида ўтказиладиган оммавий, маданий ва спорт тадбирлари давомида жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлайди.

Айни пайтда Миллий гвардия ҳамда ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги биргаликдаги фаолияти ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳам самара беради. Хусусан, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлар, жумладан жиноятлар ҳақидаги тўлиқ, аниқ маълумотлар ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш борасида ўтказиладиган чора-тадбирлар бунда ўз аксини топади.

Мазкур фаолият бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилишда ахборот олиш тизимини кенг йўлга қўйиш қўйидаги ўзига хос жиҳатларни намоён қилади: *биринчидан*, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тезкор вазиятга мослашиш ҳамда асосий вазифалар ва курашиш усуллари билан таништириш самарадорлиги ошади; *иккинчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларда қонунга итоаткорлик шакллантирилади; *учинчидан*, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга тўсқинлик қилувчи ёлғон ахборотнинг таъсири йўқолади; *тўртинчидан*, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича турли идора, муассаса, жамоат

